«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Навоий нефт базаси" МЧЖ директори
__________О.Р.Ҳасанов
«____»«________» 2022 й

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

**Танлов ҳужжатининг мазмуни:** "Навоий нефт базаси" МЧЖ тасарруфидаги Зарафшон филиали сиғимлар боғидаги ҳажми 700 $м^3$ бўлган 7-сонли сиғимни мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш мақсадида.

**Навоий - 2022**

## Танлов предмети ва умумий маълумотлар

1. **Танлов предмети:** ""Навоий нефт базаси" МЧЖ тасарруфидаги Зарафшон филиали сиғимлар боғидаги ҳажми 700 $м^3$ бўлган 7-сонли сиғимни мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш мақсадида.

2. Хизмат кўрсатувчилар (кейинги ўринларда "Пудратчи ташкилот" деб юритилади) буюртмачи томонидан **"E-tender.uzex.uz"** электрон порталига жойлаштирилган эълонга мувофиқ танлов "Навоий нефт базаси" МЧЖнинг давлат харидлари бўйича ишчи гуруҳи томонидан электрон платформа орқали ўтказилади.

3. Танлов таклифлари **"E-tender.uzex.uz"** электрон портали оркали чиқарилган лот рақами билан белгиланган эълонга мувофик электрон холда қабул қилинади.

4. Танловнинг бошланғич қиймати смета лойиҳа ҳужжатлари ва капитал қурилиш ва таъмирлаш бўйича етакчи мутахассиси томонидан ишлаб чиқилган 2022 йил ___ июндаги ________ сонли хизмат кўрсатиш аризасига мувофиқ Зарафшон филиалидаги ҳажми 700 $м^3$ бўлган 7-сонли сиғимни мукаммал таъмирлаш ишларини бошланғич нарҳи Бошланғич смета нархи **ҚҚС билан 242 693 646** (Икки юз қирқ икки миллион олти юз тўқсон уч минг олти юз қирқ олти) сўм этиб белгиланиб, Пудратчи ташкилот ва буюртмачи ўртасида ўзаро тузилган шартнома шартларига асосан хисоб китоблар пул кўчириш йўли билан бошланғич 30 % тулов, қолган 65% тулов бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома (форма 2)га асосан ҳамда қолган 5 % маблағ назорат ўлчовидан кейин амалга оширилади. Иш ҳажмини бажариш муддати бошланғич аванс тулов кунидан бошлаб 25 (йигирма беш) иш кунига бажарилиши лозим.

5. Пудратчи ташкилотлар томонидан электрон танлов да иштирок этиш учун тижорат таклифлари (таклиф хатлар) давлат тилида киритилади.

6. Танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтириш ишлари эълон матни жойлаштирилган кундан эътиборан **"E-tender.uzex.uz"** электрон портали томонидан автоматик тарзда белгиланган кунгача тушунтириш ишлари амалга оширилади.

7. Пудратчи ташкилотлари битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

8. Танлов хизмат кўрсатувчилари тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

9. Танловга таклифларни қабул қилиш **"E-tender.uzex.uz"** порталда чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

10. Танлов бўйича тақдим этилган таклиф хатларини "Навоий нефт базаси" МЧЖ танлов ва харидлар бўйича ишчи гуруҳи аъзолари хамда фаолият йўналиши бўйича мутахассислар томонидан танлов ўтказилади ва ишчи гуруҳ карорига асосан ғолиб ташкилот аниқланиб, танлов баённомасида (ғолиб чиққан пудратчи ташкилот номи ва таклиф хати бўйича берилган хизмат кўрсатиш маблағ миқдори) қарор қисмида кўрсатиб ўтилади.

11. Танловга ғолиб чиққан хўжалик юритувчи субъект билан узаро томонлар келишувига кўра шартнома порталга бириктирилган шартнома лойиҳасига асосан ва икки томонлама (ташкилот раҳбари имзоси ва муҳри орқали) тасдиқланади.

12. Танловда иштирок этадиган ташкилотлари томонидан қуйидаги тегишли ҳужжатлари талаб этилади.

**- Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома нусхаси.**

**- Хавфли ишлаб чиқариш обектларида таъмирлаш ишларни олиб бориш тўғрисида "Саноатхавсизлиги" Давлат қўмитасининг махсус рухсатномаси нусхаси.**

**- Мазкур соҳада ҳамкорликда сўнги икки йил давомида таъмирлаш ишларини олиб борган буюртмачи ташкилотлар рўйхати. (Шартнома санаси ва раками, пул миқдори кўрсатилсин)**

**- Мутахасис ишчи хизматчиларнинг касбий малакаси тўғрисида гувохнома нусхаси.**

**- Давлат солиқ инспекциясидан қарзи йўклиги тўғрисида маълумот.**

**- Хўжалик юритувчи субъект раҳбари фуқаролик паспорт нусхаси**.

13. Танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиб. Бунда танлов таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон танловнинг хар қандай босқичида четлатилиши мумкин.

Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

1. Ишчи гуруҳ раиси:
Иқтисодиёт ва маркетинг бўйича директор ўринбосари — Л.Саломов

2. Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари:
Директорнинг биринчи ўринбосари - Бош муҳандис в.в.б — З.Амонов

3. Аъзолари:
Бош бухгалтер — М.Тўреав

Нефтбаза, филиаллар, АЁҚШ ва ФЁТШлардан фойдаланиш, қурилиш ва моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи — И.Бўронов

ММ ва ХТ бўйича етакчи мухассиси — Ғ.Тошев